



Миллатнинг қалби



Мураккаб даврлар
ва синовлар...



Кўп айтилди ва ...
тез қайтилди



Иқтисодий-
миз чуқур тах-
лил ва марке-
тингга мухтож

Муносабат



Наманганда янги тўлқин, янгича шижоат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи бу гал ҳам ўзига хос тарихий аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбарининг вилоят фаоллари билан ўтказган йиғилишидаги тахлилий маърузаси нафақат вилоят фаолларини, балки ёшидан, касб-коридан қатъи назар ҳар бир наманганликни ўзгача шижоаткорликка ундади. Давлат ва жамоат ташкилотлари, олимлар, ижодкор-зиёлилар, депутатлар ва маънавият тарғиботчилари иштирокидаги йиғилишларда ташриф тафсилотлари, Президентимиз маърузасидан келиб чиқадигани истиқболли вазифалар белгиланмоқда.

Рақамлар ортида ҳаёт бор

- Ўтган йили вилоятда умумий қиймати 1,8 триллион сўм бўлган 577 ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилди, инвестициялар ҳажми 1,7 баробар ошди.
- Наманган вилоятини комплекс ривожлантириш учун 2,8 миллиард долларлик лойиҳаларни назарда тутадиган дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, вилоятда 2019-2020 йилларда 1 минг 400 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилади, 1,1 миллиард долларлик хоржий инвестиция жалб қилинади. Бунинг самарасида 39 мингта доимий иш ўрни яратилади.
- Вилоят туманлари марказини обод қилиш мақсадида ҳар бир туманга 20-25 миллиард сўмдан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига киритилган қишлоқ ва маҳаллаларга қўшимча равишда 2 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши қайд этилди.
- Наманган шаҳрининг Юқсалиш маҳалласи кейинги икки йилда бутунлай янги қиёфа касб этди. 2018 йилда бу ерда 588 хонадондан иборат 14 та 7 қаватли арзон уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.
- Жорий йил охиригача яна 14 та шундай уй-жой қурилиб, хонадонлар сони 1 минг 176 тага етказилади. Шунингдек, ушбу ҳудудда Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари ҳамда Миллий гвардия хизматчилари учун 8 та 5 қаватли турар жой биноси барпо этилмоқда.
- Корея Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Hyundai» автомобиль заводи ҳам шу ҳудудга яқин жойда барпо этилади.
- 60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган Аҳсиқент харобалари Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорликдир. Президентимиз топшириғига мувофиқ, 2017 йилда Аҳсиқент тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича улкан ишлар бошланди. «Аҳсиқент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

O'zbekiston OVOZI

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!



№18-19
2019-йил, 5-март
Seshanba (32.509)

1918-йил 21-iyundan chiqa boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ЎзХДПнинг энг фаол аёллари



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар

Аёлни тушуниш, эъзозлаш ва қадрлаш бахтиёр қилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёлли» анъанавий танловининг республика босқичини ўтказди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар босқичлари ғолиблари иштирок этди.

Танловда «Хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали йўллари» бўйича тақдимот ўтказилди. Оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳамда эрта никоҳнинг олдини олиш, бандликни таъминлашга қаратилган амалий ишлар намоиш этилди. Нозиронлиги

бўлган шахсларнинг муаммоларини ўрганиш, китобхонликни тарғиб этиш каби масалаларда қизиқарли таклифлар билдирилди.

Республика босқичининг ўзига хослиги шунда бўлдики, унда ғолиб ва мағлуб тушунчасига ўрин қолмади. Барча иштирокчилар йўналишидан келиб чиқиб, биринчи даражали диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Давоми 2-бетда. ▶

Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси



Тўрақўрғон туманида замонавий технологиялар асосида иссиқлик электр станцияси барпо этилмоқда. Қуввати 900 МВт бўлган ушбу станциянинг ишга туширилиши аҳоли ва саноат корхоналарини электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қоплашга хизмат қилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 195 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлиб, у Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва "Ўзбекэнерго" АЖ маблағлари асосида молиялаштирилган. Станция Япониянинг "Mitsubishi Corporation" ва "Mitsubishi Hitachi Power Systems" консорциуми томонидан барпо этилмоқда.

Станциянинг биринчи буг-газ қурилмаси жорий йилнинг сентябрь ойида, иккинчиси декабрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида Фарғона водийси истеъмолчилари учун 900 МВт қўшимча қувват ёки йилга 6,7 миллиард кВт/соат электр энергия ишлаб чиқарилади. 300 киши иш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 5 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга nisбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 АҚШ доллари	8392,96
1 ЕВРО	9546,15
1 Россия рубли	127,32
1 Англия фунт стерлинги	11080,39
1 Япония иенаси	75,00
1 Жанубий Корея вони	7,45
1 Қувайт динори	27644,80
1 Малайзия рингити	2061,14
1 Хитой юани	1251,78
1 Сингапур доллари	6194,52
1 Швейцария франки	8403,04
1 БАА дирҳами	2285,23
1 Миср фунти	480,70
1 Австралия доллари	5942,22
1 Туркия лираси	1562,00
1 СДР	11703,81
1 Канада доллари	6312,87
1 Украина гривнаси	310,51
1 Польша злотийси	2216,08

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёллари 8 март арафасида Тошкентда учрашди.

Аёлни тушуниш, эъзозлаш ва қадрлаш бахтиёр қилади



Манзура АБДУЛЛАЕВА,
Наманган вилоят босқичи
голибаси:

— 2015 йилдан буён Халқ демократик партияси аъзосиман. Мақсадим Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты бўлиш. Шунинг учун уч йил давомида «Ёш сивбатчи» муҳбирман. Таҳририятимизга тиббиётга оид кўплаб муносабатлар бўлади. Малакали тиббий хизматдан имтиёзли фойдаланиш, бепул дори-дармон билан таъминлаш, кўрсатилган хизмат учун пул талаб қилинганда беморнинг ҳуқуқлари қандай ва яна бошқа масалаларда саволлар беришди. Ишлаш жараёнида соҳага қизиқишим ортади. Ана шулар натижасида «Беморга билдиргилар» номли китобча тайёрладим.



Гулшан АСАТОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши сектор мудир:

— Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни кўлаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жумладан, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этишга кўмаклашиш масаласига алоҳида ургу берилган. Бу эса бевосита партияимиз электорати муаммолари ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, танлов низомига ўзгартириш киритдик. Кўпроқ муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратдик. Чунки олдинги йилларда лойиҳалар тақдим этилар, бироқ уларнинг аксарияти амалга ошмай қоларди.

Бу йил танловда қатнашиш истаги билдирилган 16 мингта яқин мурожаат келиб тушди. Шаҳар ва туман босқичларида 8 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз ўз лойиҳалари, амалий ишлари билан қатнашди. Бу нима ни аниқлади? Демак, камиди 8 мингта муаммо ўрганилган ва уларнинг қарийб 80 фоизи ҳал этилган. Уйлаймизки, бошлаган ишимиз ўзининг амалий натижасини беради.



Соҳиба АШУРОВА,
Сирдарё вилоят босқичи
голибаси:

— Партияга аъзо бўлишимга Янғер шаҳарчасидаги ногирон аёллар «Муруват» уйда ишлашим сабаб бўлган. У ерда 18 ёшдан юқори бўлган хотин-қизлар яшайди, юртимизнинг турли вилоятларидан келган 160 нафар бемор бор. Ётоқ шaroитида даволанадиган беморларда қон айланганини яхшилаш, ётоқ яраларининг олдини олиш учун махсус усулда уклаш, енгил жисмоний машқлар ўтказилади. Физיותרapiя муолажалари йўлга қўйилган. Тажрибали шифокорлар, руҳшунослар хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, «Муруват» уйда тиббий хизмат кўрсатиш, яшаш ва даволаниш учун қулай шарoит яратилган. Биздан талаб қилинган, уларга ширин сўз бўлиш, меҳр ва эътибор кўрсатишдан иборат.

Муассасамиздагиларнинг ногирон бўлиб қолишига оддий нарсалар ҳам сабаб бўлган. Масалан, кимдир нотўғри эмланиши натижасида оёқ-қўллари янши шаклланмаган, яна кимдир она қориндалик пайтида етарли эътибор қилинмагани ёки яқин қариндошлар ўртасидаги ниҳоят сабабли фикрлаш тизими, мияси ривожланмай қолган. Ҳар бир беморга эътиёткорлик билан муомалада бўламиз.

Сизга мактабни қўй. Муолажа ва машғулотлар сабаб бўлиб Шаҳноза исми бир беморнинг соғлигида катта ўзгариш рўй берди. Оилали бағрига қайтди. Турмушга чиқди. Бир неча бор ҳаммасабларимиз билан уни йўқлаб бордик. Ҳозирда бахтли ва ҳаётидан мамнун. Кичик меҳнатимизнинг мана шундай катта самарасини кўрач, биз ҳам хурсандимиз, албатта.



Мўтабархон СУЛТОНОВА,
Хоразм вилоят босқичи
голибаси:

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бориш, депутатлар билан бир сафда ўтириш, уларнинг иш жараёни билан яқиндан танишиш ҳаёлимга ҳам келмаганди. Жуда ҳам таассуротларга бой саёҳат бўлди, деб айта оламан. Парламент ҳақида ҳужжатларда ўқиган ва телевизорда кўрган маълумотлар билан чекланганим. У ерни ўз кўзим билан кўриш орқали халқимиз, жамиятимиз тақдирини алоқадор қонунларни қабул қилишдаги масъулият юқини ҳис қилгандек бўлдим.

Танловда рақиб бўлган опа-сингилларимиз билан қисқа фурсатда кадрдонларга айландик. Худудларда олиб борилаётган ишлар, испохотлар, улкан ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашдик, тажриба алмашдик. Ҳар биримизнинг дўст ва яқинларимиз сафи 13 нафарга кенгайди.

Тўғриси, танловда қатнашганимдан сўнг орзу-мақсадларим ўзгариб кетди. Телеграмм ижтимоий тармоғида хотин-қизлар учун канал ташкил этдим. У ерда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли мурожаати жойлаштирилади. Турли мутахассислар, тажриба мактабига эга нурунийларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриги асосида масалага ечим топилади. Бизга ҳамкор ташкилотлар яқин кўмакчи бўляпти.



Шаҳноза ҲАКИМОВА,
Андижон вилоят босқичи
голибаси:

— Танловнинг ижобий жиҳати шундаки, унда иштирок этиш истагини билдирган хотин-қизлар жойларда турли муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топишга ҳаракат қилди. Ўзим Бўз туманида ФХДБ бўлими билан бирга ажримлар сонини таҳлил қилдим. Биргина январь-февраль оида 22 та оилавий ажрим бўйича суд қарори чиққанини кўрдик. Ушбу кўнгилсиз ҳолатларнинг сабабини ўрганишга ҳаракат қилдим. Ажримлар асосан ёш оилаларда содир бўляпти. Демак, ёшлар ҳаётга тайёр бўлмастан турмуш қуряпти. Айнакиса, қизлар биологик, физиологик ўзгаришларга тайёрмаслиги, ҳуқуқий билими камлиги, ижтимоий муомала лаёқати етишмаслиги, йилгитлар эса иқтисодий жиҳатдан оилани таъминлай олмаслиги, маънавий-ахлоқий қондаларга амал қилмаслиги, ота-онасига қарам бўлиб қолаётгани маълум бўлди.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш учун мутахассислар билан маънавий-психологик ўқув-қўлланмалар яратилишига келишиб олдик. Мактабларда ҳуқуқ ва маънавий дarsларини кўпайтириш, машғулотларга ҳаётий, касбий тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш керак.



Нигора РАМАЗОНОВА,
Бухоро вилоят босқичи
голибаси:

— Қайнотам депутат бўлган. У киши мени тадбирлардаги фаол иштирокимни кўриб, «шу киши келин қиламан», деб туриб олган экан. Ушунда жамиятнинг фаол аёллари қаторида тураман, деб ўзимга сўз берганман. Мана, бугун ниятимга етдим.

Турмуш ўртоғим гоҳида

жамоатчилик ишларидан чарчаганими кўриб, «сенга шу керакми, тинч ўтир, бу ишларинг чўнтагингни тўлдирармиди», деган вақтлари ҳам бўлади. Шунда мен уларга қулиб, «кўнглимни тўлдиргани ҳам етади», дейман.

Пойтахтга кўрик-танловга келаётганимни эшитган маҳалладош опа-сингилларим хонадонимизга келди. «Катта танловга бораётган экансиз, кишлоғимиз аёлларининг дардини масъулларга етказинг, зора, муаммойимиз тезроқ ҳал бўлса...», деди. Кишлоғимизда олти мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Олти ёшга тўлган болаларнинг ўзи 120 нафардан ошади. Богча эса биз яшайдиган худуддан 17 километр узоқликда жойлашган. Кўп ташкилот ва идораларга мурожаат қилдик. Аммо мурожатимиз ечимини топай демаяпти. Вақт эса ўтиб борапти...

баъзан. Биласизми, энг катта орузим ҳам бутун дунё аёлларини шод-хуррам қуриш. Фурсатдан фойдаланиб, опа-сингилларимизни яқинлашиб келаётган Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан табриқлайман.

Пойтахтга келиб, ўзгаришлардан, янги қурилаётган биноларнинг ҳайбатидан ҳайратга тушдим. Кўчалар, хиёбонларнинг кўрғига кўрк қўшилибди. Бундай кенг қўламли ўзгаришлар Фарғона вилоятида ҳам бўляпти. «Обод кишлоқ» дастури асосида чекка-чекка худуддаги аҳоли яшаш масканлари ҳам замонавий қўрилиш касб этмоқда. Қисқа килиб айтганда, юртимиз кундан-кунга чирой очиб борапти. Шунга қараб одамларнинг кўнгли ҳам ёришапти.



Махлиё ГҮЛОМОВА,
Қашқадарё вилоят босқичи
голибаси:

— Таассуротларим кўп. Авваллари фақат телевизор орқали кўрганми Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бордик. Депутатларнинг иш фаолияти билан бевосита танишидик. Уларга ҳавас қилардим. Лекин яқиндан танишгач, уларнинг зиммасидаги вазифа юқини ҳис қилдим. Уйлабманки, келгусида бизга ҳам ана шундай масъулиятли вазифада ишлаш насиб этади. Ана шунинг деб-часи сифатида бу йилги сайловда депутатликка номзодимни илгари сурмоқчиман.

Танловда иштирок этган аёллар ўз худудидagi аҳоли муаммоларини ўрганиб, кўмак беришга ҳаракат қилди. Ҳар бир иштирокчи биргина инсонга ёрдам бера олган бўлса ҳам, бу катта кўрсаткич, деб уйлайман. Келгусида улар мана шу йўналишдаги ишларини тўхтатиб қўймаслигини чин дилдан истардим.



Азиза ҲАСАНОВА,
Жиззақ вилоят босқичи
голибаси:

— Тўғриси, биз озорқ содда, ишонувчан бўлган эканмиз. Ҳозир йилгит-қизлар анъанин илгор, шиддатли ва интилувчан. Билим олиш, таълим-тарбия жараёнида ҳам ўсиш бор. Ўз фарзандларини мисолда опсам, уларда тушуниб етиш, англаш, таққослаш, баҳо бериш, муносабат билдириш фазилатлари юқори. Бу масаланинг ижобий жиҳати. Аммо кўз юмиб бўлмайдиган айрим кўнгилсизликлар ҳам йўқ эмас. Яъни, баъзи йилгит-қизлар осонлик билан эришмайдиган маблағ кетидан қувшиш, хорижа оқоноқини йўллар билан кетишга уриниш, оқибатда алданиб қолиши ачинарли ҳолдир.

Фарзандларимизни ёмон йўлдан қайтариш энг олий бурчимиз, деб биланман. Кўнглисизликларнинг олдини олиш учун оила билан мактаб доимо бирга-лиқда, ҳамкорликда ишлаши лозим. Чунки бола 6-7 соат таълим муассасасида, қолган вақт уйда бўлади. Демак, асосий масъулият ота-онада. Агар улар мактаб билан мустаҳкам алоқада бўлса, болани назорат қилиш имкони ортади. Назорат ва меҳр таълим-тарбиянинг ажралмас қисми саналади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
Махлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.



Улмекен ҚАНЛИБЕКОВА,
Қорақалпоғистон
Республика босқичи
голибаси:

— Нукус шаҳридаги 2-сонли тиббиёт коллежидида терапия ва ҳамширалик иши кафедраси ўқитувчиси, 3 нафар фарзанднинг онасиман. Оилавий корхонамиз бор. Турмуш ўртоғим ва болаларим билан у ерда ишлаймиз. Қовун-тарвуз экамиз, асаларичилик билан шуғулланамиз. Ердан янада унумли фойдаланиш мақсадида каровсиз ётган қўлни корхонамиз номига олиб, баликчиликни ҳам йўлга қўйдик. Аҳолига арзон ва сифатли махсулотлар етказиб беришга ҳаракат қиламиз.

Маҳалладошимиз, боқувчисини йўқотган ёлғиз аёл 1999 йилдан буён ижарада яшайди. Президентимизнинг хотин-қизларни ижтимоий қўлаб-қувватлаш билан боғлиқ фармони мазмун-моҳиятини опага тушунтирдик, тегишли идораларга ариза ёздик. Хатимизга ижобий жавоб келди. Уйнинг бошланғич бадалини тўлашда корхонамиз томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. 2018 йилнинг май ойидан буён аёл 2 хонали ўз уйда яшаб келмоқда. Кимнингдир оғирини енгил қилишга фойда берса, қувонч, бахтни ҳис қиламан. Янши амалларимиз фарзандларимиз, оиламизга хотиржамлик, барака олиб киришига ишонаман.



Дилноза ҚОРАБОЕВА,
Тошкент шаҳар босқичи
голибаси:

— Танловнинг туман босқичи ўтказилаётган вақтда онам хасталаниб, юрولмай қолди. Шифокорлар зудлик билан тизага эндпротез қўйиш кераклигини айтди. Мазкур тиббий махсулот Италия, Германия, Хитой, яна бир-икки мамлакатлардагина ишлаб чиқарилар экан. Шу боисдан жарроҳлик амалиётига 35 миллион талаб этиларкан. Афсуски, бизда бу маблағ йўқ эди. Банддан кредит олишга уриндим. Хорижда ишлаб чиқарилган махсулотлар учун истеъмол кредити берилмаслигини билдим. Эндпротез навбат асосида фақатгина биринчи, иккинчи гуруҳ ногиронларига имтиёзли равишда қўйилар экан.

Бу ҳақда маълумот тўплай бошладим. Ўзбекистонда ўтган йили худди шундай касалликка чалинган 3,5 мингдан ортиқ хотин-қиз рўйхатга олинган. Шундан 1929 нафари эндпротезларни кўйдиролган, холос. Рост, бу ҳолат бошимдан ўтмагунча, муаммони тушунамасдим. Онамга ёрдам беришим шарт эди. Мутасадди ташкилотларга, Президентимизнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим. Менга истисно тариқасида 3 йилга 20 фоизли кредит беришди. Онам ҳам уч ойга қолмай оёққа туриб, ишга тушиб кетди.

Танловга тайёрлаган тақдимотимда ушбу масалани кўтардим. Мазкур тиббий мосламани ўзимизда ишлаб чиқиш йўлга қўйилса, беморларга юриш бахти насиб этар, иқтисодийтимизга ҳам фойда бўларди. Депутатлар бу масалага алоҳида эътибор қаратади, деган умиддаман.



Холида ХОЛНАЗАРОВА,
Сурхондарё вилоят босқичи
голибаси:

— Мактабгача таълим муассасаси мудирасиман. Биласизми, бугунги кун болалари жуда зуқко. Уларни кун бўйи бир хонага қамаб, фақат ўйинчоқлар билан алдаб бўлмайди. Бола гўдақликдан билим олишни истади, янгиликка ўч бўлади. Агар ҳар бир болалар боғчасида шундай муҳит ташкил этилса, фарзандларимиз эрта уйғонади ва ўзлари муассасасига келишни истади. Акс ҳолда, инжиқлик қилади. Буни яхши тушунганим учун тонг сахардан ишга ошиқаман. Болажонларни ўзим кутиб оламан. 150 тарбияланувчининг ҳар бирини исми билан танийман.

Бизнинг муассаса замонавий лойиҳа асосида қурилган. Тарбиячилари катта тажрибага эга, мақоратли. Шу боисданми, боғчада ўрин бушабини юздан ортиқ бола кутиб турибди. Улар учун уй боғчаларини ташкил этишни режалаштирганман.

Тан олиш керак, авваллари болани бирор жойи тилинмай, эсон-омон ота-онасининг қўлига топширсак бўлди, қабилида иш тутадиган тарбиячилар ҳам бўлган ва бунга оддий қаралган. Эндилгида ҳар бир боланинг интеллектуал даражаси, таълим-тарбияси биринчи ўринга чиқди.



Саида МБРАГИМОВА,
Тошкент вилоят босқичи
голибаси:

— Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида худудларда юзлаб хотин-қизлар худудларининг лойиҳалари билан иштирок этишди. Мен «Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш» тўғрисидаги лойиҳамни тақдим қилдим. Рўзғори бут, хонадон овод, фарзандларининг эртасидан кўнгли тўқ аёл жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашишга, ўз салоҳиятини, иқтидорини намён қилишга интилади.

Ҳар бир оиладаги файзу барака, тотувлик, маънавий-ахлоқий муҳит ва табиийки, ўша оилада камолга етаётган ўғил-қизларнинг тарбияси кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати халқнинг, миллатнинг маданий даражаси ҳамда маънавий камолотини белгилайди, деган ҳикматли гап юради. Мен ҳам юртимиздаги ҳар бир эркак аёлни тушунишга ҳаракат қилишим, ҳурмат билан муомалада бўлишимни жуда истардим.



Меҳринисо АЛЕНОВА,
Навоий вилоят босқичи
голибаси:

— «Наврў» маҳалласида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича мутахассис бўлиб ишлайман. Аввалига айрим оилаларнинг жанжалкашлигини ҳазм қилишим, бунинг сабабларини тушунишим жуда қийин бўлди. Бундай оила фарзанд-

ларининг кўзига қарашнинг ўзи оғир. Улар ота-онаси тортишаётган вақтда қулоқларини беркитиб, тушкани руҳий ҳолатда кузатишганини кўрдим. Хонадон* соҳибларини муроасага келтириш оғир вазифа, аммо сабрли бўлишга ҳаракат қиламиз.

Вилоятимизнинг узок чўл худудларида яшаётган аҳоли чорвачилик билан шуғулланади. Бундай инсонлар бир ерда муқим яшамайди. Оиласи билан ўт-ўлан мўл ерда ўтов тикиб, кун қўради. У ерда электр симларини тортиб боришининг эса имкони йўқ. Эраклар ойда бир марта озик-овқат учун овулга келиб-кетилади. Болалар овулдаги қариндошлариникида туриб, ўйлиди. Хотин-қизлар ҳаётдаги янгиликлардан доим ҳам хабар топмайди. Уйлайманки, мазкур муаммони кўчма кутубхоналар, турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш орқали ҳал этса, бўлади.



Мафтунга ЗОКИРОВА,
Самарқанд вилоят босқичи
голибаси:


— Танловда иштирок этиш баробарида, сиёсий билимим ошди, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етдим. Танловда «Оилавий ажримлар-

Ўзбекистонда ўтган йили худди шундай касалликка чалинган 3,5 мингдан ортиқ хотин-қиз рўйхатга олинган. Шундан 1929 нафари эндпротезларни кўйдиролган, холос.

Руҳи ва қалбини асраган, ардоқлаган халқгина эртанги дунёда муносиб мартабада бўлади.

Миллатнинг қалби

Она тилини яхши билмаслик уят, давлат тилини қадрламаслик маънавиятсизлик эмасми?..



эмас... Бу рақамлар кишини чуқур ўйга толдириб қўяди. Жавоб бериш қийин бўлган саволларни ҳосил қилади: Давлат нима учун қарор чиқаради? Ким учун ҳужжат қабул қилади?..

Босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, айниқса, ижтимоий тармоқларда айрим давлат ташкилотларининг раҳбар ходимлари номидан фуқароларга, турли идораларга юборилаётган хатлар анча машҳур бўлиб кетяпти, муҳокамаларга, аччиқ кулгу ва норозиликларга ҳам сабаб бўляпти. Бундай хатларни умумлаштириб турадиган «хусусият» шуки, уларнинг ҳаммаси давлат тилида ўта кўпол хатолар билан ёзилгандир.

«...Республикаси Президентининг» жумласи «Республикаси Президентининг», «органлар» сўзи «ўрганлар», «муассаса» сўзи «муассса», «мувофиқ» сўзи эса «муофиқ» тарзида ёзилган хатларга имзо қўяётган раҳбарлар орасида фаолияти бевосита таълим билан боғлиқ бўлган вазирликларнинг мутасаддилари борлиги тил масаласига бефарқлик ортиб бораётганига яна бир далил бўла олади. Чунки бундай хатолар билмасликдан кўра, кўпроқ эътиборсизлик ва беларволикдан келиб чиқади.

Халқимиз «раҳбар» деганда аввало ўқимшли, зиёли, қолаверса, маданиятли кишиларни тушунади, ёшларимиз эса ҳар жабҳада улардан ўрнак олишга интилади. Демак, раҳбарларнинг ибрат бўла олиш масъулияти алоҳида ажралиб туради. Бу давлат тилини рисоладагидек билиш, уни ҳурмат қилиш масаласига ҳам тааллуқли, албатта. Лекин шундай тоифа раҳбарлар борки, ота-онани ўзбек бўла туриб, йнгилишларда, кўча-кўйда ўзбек тилида гапиришни ўзига эп кўрмайди. Шу йўл билан гўё ўзини «маданиятли» санамоқчи бўлади.

Ўзбекистон бағрини дунёга кенг очмоқда, илгор давлатлар, етуқ ва улкан маданият вакиллари билан фаол мулоқотга киришмоқда. Шубҳасиз, бу жуда катта ютуқ. Аммо ана шундай мулоқотларда мулозимлар ўзларини қандай намоян эътифони долзарб аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Бундан бир ойча олдин «Facebook» да бир юрдошимизнинг куюниб ёзган фикрларини ўқиб қолдим. У Германияда Ўзбекистон маданияти тарғиботида бағишлаб ўтказилган нуфузли маросимда қатнашиб, ўзбек тилида бирон-бир сўз эшитмагани, вазирлик даражасидаги ташкилотларимиз раҳбарлари бошқа бир учинчи тилда гапиргани, тадбирни эса ўзбек маданиятидан беҳабар киши олиб боргани, шунинг учун унда гўё бошқа мамлакатнинг маънавий тадбирига келиб қолгандай тасаввур уйғонгани ҳақида афсус билан ёзган эди.

Она тилимиз – давлат тилига бундай муносабат юртимизда турли мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбати ва анжуманларда ҳам тез-тез кузатиладиган ҳолат бўлиб қолаётгани афсусланарли. Маълумки, халқаро анжуманлар таржимонларсиз ўтмайди. Шунинг учун қатнашчилар фикри, муносабатини аниқ ва раво баён эта оладиган тилда, асосан ўз тилида гапиришни маъқул кўради. Таржимонлар шуни ҳисобга олиб таклиф этилади, ким қайси тилда гапирса ҳам ҳамма бир-бирини осон тушунади.

Аммо кўп кузатганимизки, ўзбекистонлик вакиллар гарчи барча қатнашчиларга бирдек тушунарли бўлмаса ҳам бошқа тилда гапиришни ўзига ўнгайроқ, деб билади. Батзи анжуманларда «ўзбек тилида эмас, ... бу тилда гапирасиз», деган талаб қўйилади. Яна шундай раҳбарларимиз борки, она тилида, давлат тилида сўзлашни ўзига эп кўрмайди, гўё уялади, истихоло қилади. Мана шу нуқтада асосий камчилигимизнинг сабаби очилиб қолади.

Яъни, биз аксар ҳолларда халқаро тил-

барлар халқаро тилларни билиш хислати орқали ўз тилини яхши билмаслик, она тилимиз билан ўзга халқлар вакиллари олдида фахрлана олмаслик каби ўта хунук нуқсонни яшироқчи бўлади. Бу камчилик шахсиятимиз, ички маънавиятимиз, руҳиятимизда ҳамон сақланиб қолаётган кемтиклар билан бевосита боғлиқ бўлиб қолаётгани хавотир уйғотади.

Айрим ташкилотчилар халқаро анжуманларда давлат тилида гапириб бўлмаслигини таржимонлар йўқлиги ёки етишмаслиги билан боғлашар экан. Ёшларимиз ёппасига чет тилларини ўрганаётган, олий ўқув юр்தларимизда қанча йиллардан бери ўнлаб хорижий тиллар бўйича кафедралар ишлаб турган замонда бундай гаплар қулоққа бахонадай эшитилади. Ўзбек тилидан бошқа тилларга тезкор таржима қила оладиган бир-икки нафар яхши таржимон топишга қанча вақт ва маблаг кетадию, давлат тилига ҳурматнинг баҳоси қанча бўлади? Халқаро давраларда давлат тилимиз, неча минг йиллик маънавиятимиз, ота-боболаримизнинг руҳи жо бўлган хазинамиз нуфузини ошириш ҳақида ўйла-масак, миллат ва мамлакатнинг обрўсини бошқа қандай йўл билан кўтарамиз?..

Раҳбар, илгор мутахассис бир неча чет тилида гапирса, бинойидек ёзсаю ўз она тилида раво гапира олмаса, хатосиз ёза олмаса, бундай «интеллигентни ким, қандай ҳурмат қилади? Бундай кишининг қалби қандай бўлади? Унинг муайян тилларга дастурлаштирилган робот-компьютердан нима фарқи қолади?..

Чет тилларини билиш катта имконият албатта, бу масалада баҳсга ҳожат йўқ. Лекин шундай раҳбарлар мутахассислар тоифаси ҳам борки, ўзбек тилида яхши гапира олмаслиги, ёза билмаслигидан мақтангандай, шу билан гўё ўзининг «интеллигент» эканига ургу бермоқчидай бўлади. Онанг алла айтиб ухлатган, эркалаб уйғотган тилни билмаслик, бундан уялмаслик... бу қандай фазилат бўлди? Аслида бу инсон учун мудҳиш фожиа, бахтсизлик эмасми?..

Ўзбек тилини билмаган, бобо-буvisи гапирган тилни ҳурматлаб қадрламаган олимнинг олимлигида, мутахассиснинг мутахассислигида, раҳбарларнинг раҳбарлигида қандай маъно қолади?

Оилада, кўча-кўйда, бозору гузарда ўзбекча гаплашилгани, болалигимиздан таниш сўзлар ҳамроҳида бўлгани учун она тилимизни яхши биламиз, деб ўйлар эканмиз. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, аслида ундай эмас. Маиший мулоқот жараёнларида тилни маиший даражада ўзлаштирмайди, холос. Луғат бойлигимиз, фикрлаш доирамиз ва даражамиз ҳам маиший поғонада қолиб кетган бўлади. Яъни, она тилини китоблардан ўқиб ўрганиш шарт эмас, деган хулоса мутлако ноўрин экан. Маиший шароитда биз нари борса худуди-мизга хос шевани ўзлаштирар, адабий ўзбек тили, ўзбек академик тили каби жуда кенг тушунчалар борлиги ҳақида ўйламас эканмиз.


Ўзбек адабий тили асрлар, минг йиллар мобайнида сайқаланган буюк тил. Дунёдаги исталган тушунча ёки мураккаб фикрларни бу тилда ифодалаш мумкин. Муаммо ўзбек тилида эмас, қонунлар ва турли меъёрий ҳужжатларни бошқа тилда тайёрлаётган мутахассисларнинг давлат тилини мукамал билмаслигида, десак, тўғри хулоса бўлади.

Келгуси қабул йилидан бошлаб, Тошкент давлат юридик университетига киришни истовчи абитуриентлар учун она тили ва адабиёт асосий фан сифатида белгилангани, яъни шу йўналишдаги ҳар бир саволга тўғри жавоб учун энг юқори балл берилиши ҳақида хабар тарқалди. Бошқа олий ўқув юр்தларида ҳам шундай ўзгаришлар кутиляпти. Бироқ юқори давлат ташкилотларида давлат тилида иш юритиш, ҳужжатларни шу тилда мукамал тайёрлаш масаласи ҳамон долзарблигича қоляпти. Сир эмас, аксарият қонунлар, халқ ва давлат учун муҳим бўлган меъёрий ҳужжатлар аввал бошқа тилда ёзилиб, кейин давлат тилига таржима қилиниши ҳалиям сезилиб турибди.

Ўтган йили Адлия вазирлиги республиканинг барча ташкилотларини ҳужжатлар лойиҳалари давлат тилида тайёрланиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши кераклиги ҳақида хатлар орқали расман огоҳлантирди. Лекин узоқ йиллар давомида қотиб келган муаммага ечим топиш, давлат тилининг ҳурмати жойига қўйиш, халқимизга тушунарли тилда иш юритиш масаласи мамлакат миқёсида тизимли ва жиддий ёндашушни талаб қилиши кун сайин ойдинлашмоқда.

Ўзбекистонда «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинишига яқинда ўттиз йил тўлади. Она тили миллатнинг қалбига қиёсланади. Руҳи ва қалбини асраган, ардоқлаган халқгина эртанги дунёда муносиб мартабада бўлади.

Афсуски, вазият шундай: айрим раҳ-



Наманган шаҳридаги «Art Soft Tex Group» корхонаси. Бу ерда турли бичим ва рангдаги сочиқлар, халат, чойшаб ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Улар ички бозорга, шунингдек, Россия, Украина, Болгария, Молдова ва қўшни давлатларга етказиб берилмоқда. Ўтган йили 290 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 9,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилинган.

Наманганда янги тўлқин, янгица шижоат



Абдулмуҳаммад ДУХМАТОВ, халқ депутатлари Поп туман Кенгаши депутати:

— Поп — Наманганнинг энг катта, энг олис туманларидан. Хусусан, мен яшайдиган Чоркесар қишлоғи вилоят марказидан 100 километр олисда. Президентимиз билан учрашув мулоқот чоғида сайловчиларимни узоқ йиллардан бунён қийнаб қолаётган ичимлик суви масаласини ҳал этиш бўйича таклифларимни баён этдим. Қурама тоғ тизмаларидан оқиб келадиган сув қиш-баҳор

мавсумида тошқинлиб, селу сой бўлиб оқади-да, ёз мавсумида, айни экинлар сугориладиган паллада 3000 гектардан зиёд сугориладиган экин ерлари, аҳоли томорқа ерлари ҳам сувсизликдан қарқаб қолади.

Чоркесар сув омборини барпо этиш зарурлиги тўғрисидаги таклифим Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, амалий ечим бўйича юқори ташкилотлар мутасаддиларига дастлабки топшириқларни берганларидан миннатдор бўлдим.

Чоркесарда сув омбори барпо этилиши аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилиши билан бир пайтда сугориладиган ерларда ривожланиш юзга келади. Томорқадан фойдаланиш шароитининг пайдо бўлиши мул-қўлчиликка, интенсиив боғлар барпо этилишига асос бўлади. Бугун Поп тумани аҳолисининг Президентимизга бўлган муносабатидида юксак ватанпарварликни, келажакка ишончни, ҳаётдан розилик кайфиятини, бир сўз билан айтганда, шукр-дорлигига эришиш учун қўриб турибман.



Дилором АБДУРАХИМОВА, Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи директори, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Президентимизнинг ташаббус ва тавсиялари билан Наманган шаҳри марказида барпо этилаётган «Афсоналар водийси» маданият ва истироҳат боғи, Чортоқ туманида барпо этилаётган «Чортоқ ресорт» санитарию соғломлаштириш маркази каби йирик объектлардаги ишларнинг узиёқ наманганликлар руҳиятига катта кўтаринкилик бағишлаганди.

Бу галги ташриф давомида давлатимиз раҳбари айни объектларда бўлиб, янги-янги топшириқлар бергани қувончларга

қувонч қўшди. Чортоқни экологик шаҳарга айлантириш, Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўрта шаҳарлар инфратузилишини ривожлантириш лойиҳаси доирасида Чортоқ шаҳри марказини қайта қуриш, Наманган аэропортини кенгайтириш ва шаҳарлараро автобуслар қатновини тартибга солиш, «Ҳар бир оила тадбиркор» дастури асосида аҳоли бандлигини таъминлаш каби лойиҳалар ташрифнинг тарихий аҳамиятини янада оширди.

Фарзандларимиз таълим-тарбияси сифатини юксалтиришига доир топшириқ ва тавсиялар наманганликлар руҳиятида фидойиликка сафарбарлик уйғотди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкид билан айтганларидек, таълим сифатини кескин кўтаришимиз зарур. Бойлик ўткинчи, маҳабатли иморатлар, яратилаётган шароит ва имкониятлар ўз йўлига. Энг муҳим вазифамиз бу — фарзандларимизни билимли қилиш, соғлом воёга етказиш!

Биз, наманганлик педагоглар бир ёқадан бош чиқариб, фикрлашган ҳолда, мактаб-гача таълимдан тортиб, олий таълимгача сифат самарадорлигига эришиш учун белни маҳкам боғладик.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Носиржон ДЕҲҚОНОВ ёзиб олди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Она тили мўъжизага ўхшайди. Қўшнинг қўшлигини, осмоннинг осмонлигини, одамнинг одамлигини ва оламдаги минглаб, миллионлаб бошқа нарсаларнинг номи, моҳиятини энг аввал шу тилда англаймиз, идрок этамиз.

Инсоннинг исмидан кейин қайси миллатга мансублиги айтилади. Фуқаролик ҳужжатимизда «миллати», деган банд исми-мимиз ордидан алоҳида курсатиб ёзилиши — тақдир инъоми. Ҳатто кейинчалик исми ўзгариши мумкин, лекин миллатга мансублигини ўзгаришиб бўлмайди.

Адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти соҳиби Иосиф Бродский халқда бор нарсаларнинг энг яхшиши унинг тили экани ҳақида айтган. Шу фикрдан хулоса қилсак, она тилимиз миллатимизнинг энг катта бойлиги бўлиб чиқаяпти.

Эҳтимол шунинг учун она тили ҳақида, уни ардоқлаш, қадрлаш ва севиш ҳақида кўп айтилган, бундан кейин ҳам айтилаверади. Бу — кенг, чуқур ва айни пайтда мураккаб мавзу. Бугун ушбу мавзунинг бир қирраси. Яъни давлат идораларида она тили — давлат тилига кузатилаётган муносабат ҳақида фикрлашни лозим топдик.

Чунки бу масала охириги пайтларда тез-тез кун тартибига чиқаяпти. Оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий тармоқларда ўзбек тили давлатнинг юқори идораларида кенг қўлланилмаслиги, айрим «элитний» раҳбарлар ўз она тилида иш юритиш ва мулоқот қилишни унча хушламаслиги, тўғриси, эпполмаслиги ҳақида фикрлар кўллаш ёки улар билан мақолалардан бири яқинда analytics.cabarg.asia сайтида эълон қилинди. Маъмур мақолада нима учун ўзбек тили сиёсат ва фан тилига айланмагани ҳақида айрим таҳлилий мулоҳазалар билдирилди. Унда, жумладан, шундай дейлади:

«Сўнги 28 йил ичида ўзбек тили ҳокимият тилига айланмади. Юқори лавазимдаги давлат амалдорлари давлат тилида жуда ёмон гапиришади... Амалдорларнинг ўрта ва қуйи қатламлари кўплаб диалектизм ва европизмларни қўллаган ҳолда ўзбек тилида қаноатланса бўладиган тарзда сўзлашади...»

Албатта, мақолада келтирилган шу ва бошқа фикрларни қўллаш ёки улар билан баҳслашиш нуқтаи-назаридан хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Лекин бундай мавзудаги муносабатларнинг қуйиши ўзига хос огоҳлантириш белгисидир. Нима учун?..

Биринчидан, давлат тилида эркин мулоқот қила олмайдиган юқори давлат идоралари раҳбарлари том маънода халқдан, ҳаётдан узоқлашади. Бунинг оқибатида халқ ва ҳокимият ўртасидаги масофа ҳам узоқлашиб боради. Бундай кўнгилсиз ҳолат қабул қилинаётган қарорлар ҳаётийлик

ва сифатига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Иккинчидан, халқнинг тилини, иссиқ-совуғи, яъни турмуш тарзини чуқур билмайдиган, муаммоларни ҳис қилмайдиган раҳбарларда ички масъулият, давлатга эътиқод сулғашиб кетаверади. Мулозимлар давлат вазифасини эп-юрта хизмат деб эмас, шунчаки шахсий фаровонликни оширадиган оддий бир иш даражасида қабул қилишга ўтади.

Учинчидан, тил ва идрок этишдаги муаммоли ҳолатлар давлат хизматчилари ҳамда фуқаролар ўртасида ўзаро тушуниб ҳаракат қилиш муҳитини бузади. Бунинг ордидан раҳбарларга ишонч саясати.

Олий Мажлис Сенати мажлисида давлат тили ҳақидаги қонунни ҳурмат қилиш, ўзбек тилини эъзозлаш кераклиги ҳақида аниқ ва қатъий фикрлар билдирилган эди. Сенат раисининг сўзларига кўра, тилнинг ижтимоий онгни шакллантирувчи муҳим омили саналишига ва инсон қайси тилда сўзласа, фикрласа, ўша тилдаги мафкурага мойил бўлишига аҳамият қаратилмаган.

Сенатнинг 2018 йил декабрь ойида ўтган йиғилишида айрим рақамлар ҳам

Раҳбар, илгор мутахассис бир неча чет тилида гапирса, бинойидек ёзсаю ўз она тилида раво гапира олмаса, хатосиз ёза олмаса, бундай «интеллигент»ни ким, қандай ҳурмат қилади?

келтирилган эди. Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган 154 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг иловалари давлат тилида тасдиқланмаган. Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва агентликларнинг 2018 йилда қабул қилинган 34 та қўша қарори ҳам давлат тилида

ларни пухта билганимиз ёки меҳмонларнинг ҳурмати жойига қўйиш учун эмас, кўпроқ ўз она тилимизда бошқа миллатлар вакиллари олдида, халқаро давраларда гапиришдан қандайдир тортинганимиздан бошқа тилда сўзлашни лозим топамиз.

Афсуски, вазият шундай: айрим раҳ-

Маърифат дегани дунёни, ҳақиқатни, ҳақни кўнгил билан мушоҳада қилиш, дегани.

«Навоийхонлик ва Суйимахонлик»

Касб танлаш ҳар кимнинг ўзига ҳавола, лекин касбида ўзига ҳайкал қўйиб кетиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Навоийхонлик ва суйимахонлик» номли бадий кеча ўтказилди. Тадбирда жамоат ва давлат арбоблари, шоир-ёзувчилар иштирок этди.



Саҳиббей Ахшарнинг таъжирасини Суйима Ганиева ёрдамида Озарбайжондан юртимизга келтирдик. Ушбу адиб Навоийдан ўрганиб, ўзи озарбайжон бўла туриб, таъжирасини Навоий тилида, ўзбек тилида ёзган. Кейинчалик биз уни биргаликда нашр қилдик.

Баъзи олимлар бор, Навоий ҳақида сўз бошладими, вужудингиз, руҳингиз уйғонади, кўнглингиз ишлай бошлайди.

«Мажолис ун-нафоис» нафақат туркий дунё таъжирачилигига, балки, ҳозир қайсидир маънода форсий таъжирасига ҳам таъсир кўрсатганлиги маълум бўлмоқда. Шунингдек, 2010 йили Туркияда ўтказилган «Таъжирадан географияга» деган катта халқаро конференцияда ҳазрат Навоийнинг таъжираси таъсирини Анадўлида 38 та таъжирани ёзилгани ва буларнинг ҳаммасида Навоийнинг изи, ўрни кўриб тургани қайд этилди. Бундан ташқари, Шарқдаги таъжиранавислик фарб автобиографик жанрининг вужудга келишига сабаб бўлгани ҳам анжуман иштирокчилари томонидан эътироф этилди. Демак, қайсидир маънода бу улуг ишларда устозимиз Суйима Ганиеванинг ҳам хизмати бор.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— Ҳазрат Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари Суйима Ганиева нашрга тайёрлаган матн асосида ҳаммага тарқатилди, ҳаммага етказилди. Олима ушбу таъжирани тўлиғича ўрганиб, таҳлил қилди ва таъжирасига кирган қайси шоир ёки ижодкорнинг номи бўлса, улар ҳақидаги маълумотларни ҳам тўплаб, баён қилди. Фахри Хиротий нафақат Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари таржимони, балки, мустақил таъжиранавис бўлган. У бевосита «Мажолис ун-нафоис» таъсирини иккита таъжираси ёзган. Биринчиси, ушбу рисолага замина таъжираси тарзида ёзилган. Иккинчиси, шоирлар таъжираси. Ҳар иккаласи ҳам Суйима Ганиева томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Бу таъжираларни биргаликда кўриб, нашр қилишга муяссар бўлганмиз.

Мен бир неча марта Суйима опа билан Озарбайжонда, Эронда, Туркияда илмий сафарларда бўлганман. Ана шундай сафарларнинг бирида улуг Озарбайжон адиби

«Мажолис ун-нафоис» нафақат туркий дунё таъжирачилигига, балки, ҳозир қайсидир маънода форсий таъжирасига ҳам таъсир кўрсатганлиги маълум бўлмоқда.

ёре шабаб, илмро дарддандир ёре шабаб. «Агар сен илми, маърифатни кўнгил билан қабул қилсанг, у сени ёр билади, сени ёруғга қараб олиб чиқади. Агар сен уни манфаат билан, вужуд билан қабул қилсанг илонга айланади. Ва сени ҳам илонга айлантиради». Суйима опа буни Навоийнинг: «Кимки илми воситаи жоъ этар, ўзини-ю халқини гумроҳ этар», деган байти билан боғлаган. Менинг назаримда Суйима опанинг Навоийнинг ижодига эркин кириб, кўп ишлар қилиши, халқ орасида жуда катта обрў-эътибор топганининг асосий бош сабабларидан биттаси — илми воситаи жоъ қилганидир. Буни Суйима опадан қолган жуда катта мерос, деб биламан. Айтмоқчиманки, Суйима опадек аёллар, олимлар бугун жуда керак. У киши агар минбарга чиқса, ўзбек, рус, форс, усмонли тилда ҳам гапирарди. Ва уларнинг тилларида сунъийлик сезилмасди. У киши гап бошлаганидан кейин одам албатта руҳан бир нарса оларди. Кайфиятида ўзгариш бўларди. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин. Улар ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилганман. Ва умидим борки, бундан кейин ҳам ёзаман.

Суйима опа узоқ йиллар Тошкент давлат шарҳунослук институтида ҳам фаолият юритди. Ушбу институтдаги кафедра мудири кадрдон сингиллари филология фанлари доктори, профессор Улфатхон МУҚИМОВА.

— Суйима Ганиеванинг Навоийни ўрганганлиги уларнинг бахти, деб биламан. Шахсан мен Навоийни ўрганганларга ҳавас қиламан. Чунки Навоий ижоди инсонни эзгулик, яхшилик, маънавият, сари, норлайди... Суйима опа Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарининг 4 та нусхасини топган. Бир китобдан ушбу асарнинг яна бир нусхаси бор эканлиги ҳақида маълумот топилди. Шу китобнинг охирида «Мадрас 465», деб ёзилган экан. Бир кун сен тилшуноссан, бу китобнинг бешинчи нусхасини менга олиб келиб бер, дедилар. Буни қанақа қилиб олиб келишни билмадим. Мадрасга бориш осон эмас. Лекин буни мендан кўп йил сўрадилар. Бир кун Эрон элчихонасига эроншунос олим элчи бўлиб тайинланди. Суйима опани унинг олдига олиб бордим, мана шу элчи билан учрашсам, балки у сизга ўша китобни келтириб берар, дедим. Элчининг олдига кирдик, анча суҳбатлашдик. Лекин у айтдики, сизнинг ўзингизни юборсам, чунки маълумот фақат «Мадрас 465». Бу китобни топиш жуда қийин бўлади, деди. Шунда Суйима опа «бу ёшда Мадрасда кутубхонама-кутубхона қандай қилиб юраман, қийналаман», деди. Кейинчалик ҳам изладик, лекин афсуски, уни тополмадик. Мадрасга борсам, албатта бешинчи нусхасини олиб келиб, бир навоийшунос олимга бераман, деган ниятим бор.

Касб танлаш ҳар кимнинг ўзига ҳавола, лекин касбида ўзига ҳайкал қўйиб кетиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Суйима Ганиева навоийшуносликда ўзига ҳайкал қўйиб кетди, десам, асло адашмаган бўламан...

Суйима Ганиеванинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан «Йул», деб номланган ҳужжатли фильм ишланди. Фильмнинг сценарий муаллифи шоир Эшқобил Шукур, режиссёр Аҳмадхон Усмонов. Ушбу фильмда Суйима Ганиева айтганларидан бир мисол келтирамиз:

«Халқимизда йўлда фазл ва барака бор, деган гап бор. Йўл юрган одамда ҳам фазл ва барака бор. Бахтим шундаки, мен йўл юришдан бир дақиқа ҳам тўхтамадим. Шу кунларда эълон қилинган илмий рисолаларнинг сони мингтага етди. Ҳамон йўлданман. Эзгу йўлданман...»

Маржона ТОШЕВА, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси.

SARXISOB

Мамлакатимизда тараққиёт стратегияси асосида амалга оширилаётган тарихий ислохотлар аввало инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилган. Аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Одамларни эътибор билан қабул қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни вақтида ҳал этиш жамиятда соғлом муҳитни яратди, ислохотлар самарадорлигини оширади.

Ҳар бир мурожаат замирида инсон тақдири мужассам

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш алоҳида эътибор берилаяпти. Утган 2018 йил давомида вазирликка жисмоний ва юридик шахслар томонидан жами 1181 та мурожаат келиб тушган. Бу кўрсаткични 2017 йилга қиёслаганда 4,1 фоизга камайган.

Уларнинг 338 таси тўлиқ қаноатлантирилган ва 827 та мурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

— Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳияти бўйича ҳодимларга мунтазам тушунтириш ишларини олиб борамиз, — дейди вазирликнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Даврон Ҳожиёв. — Мурожаатларни кўриб чиқишда қонун талабларига амал қилмаган, ўрганиш муддати бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан белгиланган тартибда жазо қўлланиб боришмоқда. Масалан, ўрганиш натижалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш юритишда камчиликларга йўл қўйганлиги ва ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашганлиги учун 2 нафар ходим эггаллаб турган лавозимидан ошди этилди, 3 ходимга нисбатан эса интизомий чора сифатида «ҳайфсан» берилди.

2018 йил давомида вазирлик масъуллари ва мутахассислари томонидан вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 32 та сайёр қабул ўтказилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг 111 та масаласи кўриб чиқилди ва уларнинг ижроси назоратга олинди. Вазирлик раҳбарияти томонидан 47 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсан қабул қилинди ва улар томонидан кўтарилган масалалар ҳал этилди.

Президентнинг виртуал қабулхонаси орқали Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига келиб тушган 234 та оғзаки, 596 та ёзма ва 61 та электрон мурожаат кўриб чиқилди. Булар асосан нарх-навоини барқарорлаштириш, солиқ ва божхона тарифлари масаласи, иқтисодиётнинг ривожлантириш бўйича тақлифлар мазмунидagi мурожаатлардан иборат.

Мурожаатлар билан ишлашда вазирлик масъул ходимлари томонидан ўз ваколати доирасида ҳар бир масала моҳиятини чуқур англаш ва таҳлил қилиш асосида жавоб хатини муддатидан кечиктирмасдан жўнатишга катта эътибор қаратилди. Шунингдек, улар томонидан ҳудудлардаги бош бошқармаларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича иш юритилишининг тўғри ташкил этилганлиги ҳамда амалий ёрдам кўрсатиши



мақсадида ўрганишлар ўтказилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Мурожаатларнинг ижроси тўғрисидаги масалалар ҳафта, ой ва чорак якунлари бўйича ўтказилаётган ҳафта йиғилишларида муҳокама қилиб борилаётир. Ҳудудлар кесимида таҳлил этилганда, мурожаатларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади.

Вазирлик томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиб, ҳар бир мурожаатнинг ижросини ўз муддатида таъминлашга катта эътибор қаратилиши белгиланган.

Тажрибадан қўрилаганлики, фуқаролар билан очик мулоқотларни кенгайтириш аҳолининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ислохотларда янада фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Обиддин МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

— Тўғриси, мен бу учрашувдан бир китобни ўқиб чиққандек таассурот олдим, — деди талабалардан бири.

Мураккаб даврлар ва синовлар

ичида юрган, кескин воқеа-ҳодисаларни бошидан ўтказган инсоннинг ҳикояси ёшларда катта таассурот қолдирди



Санжар ШОҲУЛАГАНОВ олган сурат.

САБОҚ

Тошкент давлат аграр университетда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон АЛМАТОВ билан маънавий-маърифий мавзуда учрашув бўлиб ўтди.

ТошДАУ ректори Ботиржон Сулаймонов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, университетда депутатлар, сенаторлар, таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан ўтказиб келинаётган учрашувлар талабалар учун ўзига хос ҳаёт сабоқлари бўлаётганини таъкидлади. Шунингдек, ёш авлод қалбига ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини синдиришда жонли мулоқотлар, ижодий учрашувлар муҳим аҳамиятга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратди.

— Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиш оstonасида ва Истиқлолнинг дастлабки йилларида заҳматқаш халқимиз қанчалик мураккаб даврларни бошидан кечиргани ҳақида сизлар газета-журнал ва китоблардан ўқиб тасаввурга эга бўлишингиз мумкин, — деди у. — Аммо, айнан ана шу шиддатли, тарихий воқеа-ҳодисалар ичида юрган инсоннинг ўзидан бу ҳақда эшитиш, унинг ҳикояларидан баҳраманд бўлиш, ўйлайманки, ҳар бирингизда катта таассурот қолдирди.

— Мустақилликка эришиш осон бўлмаган, уни сақлаб қолиш, мустақил

камлаш учун ҳам оғир синовлардан ўтди, — деди Зокиржон Алматов. — Бу мақсад йўлида жонини фидо қилганлар бўлди. Юртимиз тинчлиги, тараққиёти, халқ оқсоқчилиги учун кураш бугун ҳам жадаллик билан, шиддат билан давом этмоқда. Буни 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар мисолида яққол кўриш мумкин. Бу борада олиб борилаётган тезкор ислохотлар мамлакатимиз тараққиётини янги bosқичга олиб чиқмоқда. Иқтисодий мустақиллик, камланмоқда, халқимиз ҳаёти янада фаровонлашмоқда. Аммо бугун жамоатчиликни ташвишга солаётган қатор муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Масалан, кенг қўламда олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим жинойят турлари, хусусан, ўз жонига қасд қилиш, безорилик, ўрилик, ҳатто аёллар томонидан жиноятлар содир этилаётгани кишини ташвишга солади. Бу каби салбий ҳолатлар, иллатларнинг олдини олиш

эса фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларигагина эмас, балки кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Президентимизнинг бир гапларини сизларга эслатмоқчиман: «Мамлакатимизнинг тақдирини ва келажагини ўқиниб кўриш, унга нон-туз, таълим-тарбия берган юртини вайрон қилиш мақсадида террорчиларга қўшилиб, қўлида қурол билан Ўзбекистонга келади. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётган вақтда қўлга олинади. Ушунда ўзим бориб, у билан суҳбатлашиб, билдимки, унинг онги, дунёқараши бузғунчи гоёлар билан шу даражада заҳарланганки, ҳаётни фақат қон тўкишдан иборат, деб ўйлашдан нарига ўтмасди. Уни бу жаҳолатдан қайтариш учун қанча уринмайлик, ўзининг фикри тўғрилигини ва бу йўлдан асло чекинмаслигини айтиди. Шунда унинг олдида ота-онасининг суратини ҳамда васият ёзиб қолдирилган бир парча қозоғни кўйдим.

Хатда шундай сўзлар ёзилган эди. «Жондан азиз ўғлим. Биз сени дунёга келтирдик. Оқ ювиб, оқ тараб-воёга етказдик. Ўқитдик, таълим-тарбия бердик. Бировдан кам бўлмасин, элимизга, юртимизга фойдаси тегадиган инсон бўлсин, деб олий маълумотли қилдик. Шунча қилган меҳнатимиз эвазига бир кун келиб, фарзандимиз ютуқларидан фахрланиб, маҳалла-қўй олдида бошимизни бандан кўтариб, гурур билан юришни орзу қилгандик...»

Биласан, шум хабар яшиндек тез тарқалади. Фалончининг ўғли чегарада ўз Ватанини қўриқлаётган аскарлари ўлдирди, қўрғоқ ҳужумларида иштирок этиди, бегуноҳ инсонларнинг

умрига зомин бўлади. Яъни, қонқўр жаллодга айланади. Охир-оқибат ўзи туғилиб ўсган, унга нон-туз, таълим-тарбия берган юртини вайрон қилиш мақсадида террорчиларга қўшилиб, қўлида қурол билан Ўзбекистонга келади. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётган вақтда қўлга олинади. Ушунда ўзим бориб, у билан суҳбатлашиб, билдимки, унинг онги, дунёқараши бузғунчи гоёлар билан шу даражада заҳарланганки, ҳаётни фақат қон тўкишдан иборат, деб ўйлашдан нарига ўтмасди. Уни бу жаҳолатдан қайтариш учун қанча уринмайлик, ўзининг фикри тўғрилигини ва бу йўлдан асло чекинмаслигини айтиди. Шунда унинг олдида ота-онасининг суратини ҳамда васият ёзиб қолдирилган бир парча қозоғни кўйдим.

Учрашувда Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ватанпарварлик, юртга садоқатли бўлиш — олий шараф экани ҳақида ўз фикрларини билдирди ҳамда унинг ижросида қалбни тўлқинлантирадиган, инсоний туйғуларни жунбўшга келтирадиган, миллий гурурни оширадиган қўшиқлар тингланди.

Учрашувдан сўнг талабаларнинг таассуротлари билан қизиқдик. — Тўғриси, мен бу учрашувдан бир китобни ўқиб чиққандек таассурот олдим, — деди улардан бири. Дарҳақиқат, бундай учрашувлар ёшлар учун катта сабоқ, тарбия, ҳаёт китобидир.

Унинг хатни ўқиб бўлганидан сўнгги ҳолатини ҳамда дод-фарёдидини сўз билан ифода қилиб бўлмайди, азиз талаба-ёшлар. Бунданки ҳолатга тушишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Шундан сўнг, унинг фикри ўзгариб, нима мақсадда кириб келганликлари, тўдасидагилар кимлигини айтиди ва ниҳоят уларнинг тутатган йўли нотўғри эканлигини аниқлаб етиб, давлатимиз, халқимиздан кечирим сўради.

Мен нима демоқчиман, бундай ёт гоёлардан оғоҳ бўлишингиз керак, ўзингизни ҳам, тендошларингизни ҳам асрашингиз керак. Мен истиқлол фарзандлари бўлган сиз, ёшларга ҳавас қиламан. Мустақил юртда, барча орзу-умидларга эришиш учун беқиёс имкониятлар яратилган Ватандан яшасиз. Яхши билим олиб, малакали мутахассис бўлиб, юртга садоқат билан хизмат қилиш фарзандлик бурчингиз ҳисобланади...

Учрашувда Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ватанпарварлик, юртга садоқатли бўлиш — олий шараф экани ҳақида ўз фикрларини билдирди ҳамда унинг ижросида қалбни тўлқинлантирадиган, инсоний туйғуларни жунбўшга келтирадиган, миллий гурурни оширадиган қўшиқлар тингланди.

Учрашувдан сўнг талабаларнинг таассуротлари билан қизиқдик. — Тўғриси, мен бу учрашувдан бир китобни ўқиб чиққандек таассурот олдим, — деди улардан бири. Дарҳақиқат, бундай учрашувлар ёшлар учун катта сабоқ, тарбия, ҳаёт китобидир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Туркиянинг Кютахя шаҳридаги «Думлупинар» университетда Малайзия, Индонезия, Туркия, Яман, Қатар, Озарбайжон, Венгрия, Ўзбекистон, Покистон каби дунёнинг 42 мамлакатидан келган 70 дан ортиқ университет ректорлари ва проректорлари иштирокидаги «Халқаро маданиятни бирлаштирувчи куч ва унда университетлар роли» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Халқаро маданиятни бирлаштирувчи куч



Эрасмус+ (Европа Иттифоқи) ва ТИКА (Туркия) таъсисчилигидаги ушбу анжуманда «Ипак йўли» туризм халқаро университети ўқув тарбиявий ишлар бўйича проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир Тураев ҳам маъруза билан иштирок этди.

Анжуман давомида ўзбек-турк муносабатларида дўстона, стратегик ўзаро фойдали ҳамкорлик борасида ижобий чуқурлашиш динамикаси кузатилаётганлиги қайд этилди. Маданий-гуманитар алмашинув — кенгайиб, туризм соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Анжумандан сўнг бўлиб ўтган учрашув давомида, Анталья (Туркия) туризм академияси филиали очилиши, ҳамкорликдаги таълим дастурларини амалга ошириш каби масалалар муҳокама этилиб, «Кютахя Думлупинар» (Туркия), «Мимар Синан санъат университети» (Туркия), «Хазар» университети (Озарбайжон), «Томори Пал» (Венгрия), «У Тузль» (Босния), «17 июль» (Туркия), «Ресурслар ва ижтимоий фанлар» халқаро университети (Яман) каби олийгоҳлар билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ўз мухбиримиз.

Кўп айтилди ва ... тез қайтилди

Ёхуд тўйларимизда дабдабазлик тугамаётгани ҳақида

МУЛОҲАЗА

Ўтган йилнинг баҳори адоғи ва бутун ёз давомида барча оммавий ахборот воситалари тўйларимиздаги ортиқча чимчиларга, дабдабазликка чек қўйиш, тўйларни камчиқим ва тартибли ўтказиш ҳақида тинмай ёзишди. Ойнаи жаҳоннинг барча каналлари бу ҳақда қунаро кўрсатувлар намойиш қилди, фуқароларнинг фикрлари, тақлифлари ўртага ташланди...

Кўпайиб кетган, оқсоқоллар билдирган фикрлардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенати томонидан 2018 йилнинг 29 июнида «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Унда тўйларда иштирокчилар сонини камайтириш, айрим тўйларда тўйорти тадбирларини қисқартириш ва бу борада маҳаллаларда кенг қўламли тартибот ишлари олиб бориш орқали тўй ва бошқа маросимлардаги дабдабазликларга чек қўйиш белгиланган.

Қарор қабул қилинган, барча ҳудудларда ҳокимликлар томонидан «намунали тўйлар» ташкилланган. Бу тўйларда кўпи билан икки юз эллик киши иштирок этди, ортиқча чимчилар тўхтатилди. Келин ва кўевни кузатиб борадиган машиналар сонини ҳам кескин камайтирилди.

Ҳазорасп тутан ҳокимлиги ташаббуси билан Питнак шаҳрида ўтказилган ана шундай «намунали тўй»ни мат-

буотда ёритдик. Шу тўйга бош бўлган маҳалла фаоллари эндиликда барча тўйлар шу зайлда, яъни кўпи билан икки юз эллик киши иштирокида ўтиши ҳақида қатъий фикрларини айтишди. Тўй эгалари бундан мамнуллигини яшириб ўтиришмади. Мазкур тўй тартибот сифатида оммавий ахборот воситаларида роса ёритилди.

Ёшлар иттифоқининг вилоят бўлими ҳам бу ишда ташаббускорлардан бири бўлди. Айнан ушбу ташкилотда ишлайдиган ёш ходимнинг «Бахт тўйи» шу тахлит намунали ташкил қилинди. Бу тўй ҳам вилоятдаги ойнаи жаҳонларда роса тартиб қилинди.

Бундан кўнчилик, айниқса, аҳрлининг икклимовий муҳофазага муҳтож қатлами хурсанд бўлган. Намуна тарзда ўтказилган тўйларга ҳавас қилган айрим фуқаролар шу тахлит тўйларни ташкиллаштиришди. Бу ишларга ўз вақтида маҳаллалар фаоллари бош бўлиши ва албатта юқорига шундай тўйлар ўтказилаётгани ҳақида маълумотларини ҳам юборишди.



Бу билан юқори орган қарори ижроси таъминланаётгани гўё кўз-қўз қилинди.

Кейин аста-секин ҳаммаси яна эски ўзанга кўчди — тўйлардаги дабдабазлик қайта авж ола бошлади.

Бугун Ҳазораспдаги тадбиркорлар бир-бирларига бахшлашиб қурган саккиз юз, минг ва ҳатто ундан кўпроқ меҳмон сизадиган тўйхоналар гуллаб-яшнамоқда. Негаки, элимизда кузнинг охири ва даярли бутун кий тўйлар мавсумига айланган. Деҳқонлар экинларини йиғиб олишади, тўй учун бозорга солишади. Яна хоризқ давлатларида ишлаётганлар одатда қишда қайтишади. Тўплаган маблағларини эса тўйга сарфлашади.

Тўй мавсумида кўрдикки, шунча тартибот, шунча ташвиқот ҳавога учган. Яна саккиз юз, минг кишига мўлжалланган

тўйхоналарга навбат тирбанд. Яна дастурхонларни бешаша бир-бировдан ўзиш пойғаси. Яна тўйларда бир эмас, икки ва ҳатто уч хонандани тақлиф қилиш «тажрибаси». Яна ва яна шу эски «кимўзарлик».

Ишхонага келаётиб, хиёбонда келин-кўев ва уларни кузатиб келган ёшларга қўзимиз тушди. Кузатувчилар сонини эллик нафардан кам эмас. Утаётиб, беихтиёр нимадир қаршиллаб сингандан орта қараймиз. Маълум бўлишича, ёшлар келин ва кўев бахтли ҳаёти учун шампан виносини ичиб, қадаҳларини ерга уриб синдиришаётган экан...

Бундай масканлар ёндош кўча бошидан эса бемалол ўтишга қийналасиз. Келин-кўевларни кузатиб келган машиналар турнақатор. Тушга яқин хиёбонга бир

йўла олти-етти келин-кўев бир вақтда келишганида эса йўлда машинада юришга эмас, оёқ босишга жой қолмайди.

Бу дабдабазликлар шундоқ марказларда, ҳокимлик бинолари олдида бўлаётгани ажабланарли.

Ишхонамига рўпара томонда ресторан жойлашган. Айрим кўнларни бир ерда турнақатор турган бир хил марка, бир хил рангдаги қимматбаҳо машиналарни учратамиз. Айнан бир хил русум ва рангдаги 12 та машина. Уларда келин-кўев тенкурчалари келган ва шу ерда ёшларнинг ФХДЁ бўлимида никоҳдан ўтгани муносабати билан банкет уюштиришади. Бу дабдабазликнинг чикими эса қишлоқ жойлардаги бундайроқ тўй харажидан кўпроқ. Масъуллар эса ҳаммасига аллақачон кўз юмишган.

Қўнда, қунара шаҳар кўчаларида сон-саноксиз машина кортежларига қўзимиз тушади. Энг камдада ўттизта машина келин-кўевни кузатиб келаётган бўлади. Йўл-патруль хизмати ходимлари эса бу кортежларни кўрганда тескари қараб туришади.

Бир вақтлар, аниқроғи, 1999 йилда тўйларимизни тартибли ўтказиш ҳақида қарор чиққанида маҳаллага келин-кўевни кузатиб борадиган машиналарга алоҳида муҳр босилган рухсатнома бериш тартиби жорий қилинган. Энг кўпи билан бешта машинага. Қайси ҳайдовчи шундай рухсатномага эга бўлмаса, йўл-патруль хизмати ходимлари чора кўрарди. Одатда бундай тўйларда қирақашлик қилиб, мўмай пул ишлашни орзу қилган ҳайдов-

чилар рухсатномасиз машинада тўй кортежида юргани учун мўмайгина жарима тўлагач, бошқа бу ишга жазм қилмасди. Ўз вақтида бу тартиб яхши самара берганди. Аммо вақт ўтиши билан бу амалиёт ҳам чок-чокдан сўқилиб кетди.

Навбатдаги тўй мавсуми бошланди-ю, оммавий ахборот воситалари тўйлар ҳақидаги мавзунини ёпишди. Негаки, улар наздида қарор чиқди, энди ҳаммаси ўрнига тушади. Қарор ижроси учун масъуллар бу ёғини назоратга олишади.

Афсуски, тўйларимизни камчиқим, тартибли, дабдабасиз ўтказиш ҳақида айтганларимиз бесамар кетгани маълум бўлапти.

Қарор ижроси билан кучли, деган эски ҳимат бор. Хўш, қарор ижросига масъуллар нега жим? Маҳалла оқсоқоллари, фаоллар қаерда? Улар ҳар куни тўйда. Масалан, тўйларни очиб беришни одатга кўра, айнан маҳалла раиси, фаоли, кўча бошиларга ишонилмоқда. Оқсоқол тўйни очиб бераётганидан мамнун эканини баралла эълон қилади. Тинчлик, севробчилик ҳақида гапирди. Аммо Сенат қарори ёдига келмайди, ортиқча исрофгарчилик, дабдабазлик ҳақида гапирмайди. Машҳур бир қўшиқдаги «Ҳам айтади, ҳам қайтади» ибораси, афсуски, яна бир қарра ҳаёт ҳақиқати бўлиб чиқпти. Кеча тўйларни камчиқим қилиб ўтказиш ҳақида маъруза қилганлар бугунги дабдабали тўйларга бош-қош.

Нима ҳам деймиз? Мақолани ёзаётганимизда навбатдаги тўйга тақлиф қилиб қолишди. Маҳалладошимиз келин туширяпти, тўй катта тўйхонада бўларкан.

Элатчилик, бормасак, мезбон хафа бўлади.

Мақолани тугатиб, тезда кийиндик. Тўйга боришимиз керак, ахир!


Рўзимбой ҲАСАН, журналист.

Хонада ўтириб, қоғозлардаги рақамларни ҳисоб-китоб қилиш бошқа, жойларга чиқиб, корхоналар фаолиятини ўрганиш бошқа.

Иқтисодиётимиз чуқур таҳлил ва маркетингга муҳтож

МУТАХАССИС ФИКРИ

Тан олиш керак, узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда инвестицион фаолиятнинг таҳлилига ва шундан келиб чиқиб, унинг самарадорлигига деярли эътибор берилмаган. Мисол учун, 2010-2016 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида ўзлаштирилган инвестициялар кўлами жуда ҳам кенг бўлса-да, аммо улар иқтисодий ўсишда ўз аксини деярли топмаган, табиий газ, енгил автомобиллар ва автобуслар, тракторлар, нефть ва бошқа стратегик аҳамиятга эга маҳсулотларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1,5-2,5 бараваргача камайган.



МАРКЕТИНГ

Сир эмас, узоқ йиллар давомида биз деҳқончасига йўл тутиб келдик — жалб этилаётган инвестициялар қанча кўп бўлса, шунча яхши, қабилида. Аммо четдан жалб этиладиган инвестицияларнинг ёқимсиз бир талаби бор — муайян вақт ўтганидан кейин уларнинг ҳисоб-китоби бўлади.

Иқтисодчиларимиз бу жараён билан боғлиқ эски дунёқарашдан воз кечишни хоҳламаётган бир шароитда ҳолис иқтисодчилар бошқача таклифлар билан чиқишлари табиий. Бундай ёндашув вужудга келиши мумкин бўлган янги ва яна ҳам мураккаб номунасоибликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Агар иқтисодий фаолият аниқ ҳисоб-китобларга асосланган бўлса, унинг самарадорлиги шунчалик юқори даражада бўлади ва буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Мисол учун, мамлакатимиз ЯИМни кўшимча яна бир фоизга кўпайтирмоқчи бўлсак, солиштирма нархларда бу 2,2 миллиард долларни ташкил этади. Ишлаб чиқариш ресурсларининг эркин ҳаракатланишига хизмат қиладиган бозор муносабатларини шакллантириш учун узоқ йиллар керак бўлади, шунинг учун ҳозирча стратегик йўналишларни танлаш ва уларга инвестицияларни марказлашган ҳолда жалб қилишга мажбурмиз. Мисол учун, тўқимачилик маҳсулотлари ҳисобига ЯИМни 300 миллион долларга ўстирмоқчи бўлсак, 80-90 минг тонна пахта толасини кўшимча тарзда қайта ишлаб, ундан ип, полатно ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришимиз керак бўлади.

Бунинг учун қанча кўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш кераклиги маълум ва бунга қанча маблағ кераклигини ҳисоблаб чиқиш ҳам қийин иш эмас.

Жаҳон иқтисодиёти амалиётдан маълумки, инвестицион фаолиятни самарали амалга ошираётган ва охириги ўн йил давомида энг юқори ўсиш суръатларига эришган мамлакатлар 4 ҳиссалик сармоя ҳисобига ЯИМни 1 ҳиссасига ўстирмоқда. Демак, агар биз ҳам инвестицион фаолиятнинг самарадорлигига эришсак, ЯИМ 2,2 миллиард долларга кўпайишига 10 миллиард доллардан (капитал таъмирлаш харажатларини қўшган ҳолда) камроқ сармоя керак бўлади.

2018 йилда мамлакатимизда барча йўналишларда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 119 триллион сўм (14 миллиард доллар) ни ташкил этгани тўғрисида расман эълон қилинди. Бунинг эвазига мамлакат ЯИМ 2017 йилга нисбатан 5,2 фоизга ўсгани ҳам маълум бўлди. Тан олиш керак, ҳозирча бундан кўпроқ натижаларга эришишнинг иложи ҳам йўқ. Нега деганда, ички бозоримиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг нотўғри жойлаштирилиши

натижасида кескин даражада тарайиб қолган ва, энг асосийси, марказлашган иқтисодий тизим мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини жуда паст даражага келтирган. Мисол учун, суғориладиган ерларга галла экиб, хар гектардан 500 долларлик маҳсулот оламиз. Италия ва Франция фермерлари шунча майдонда етиштирилган узумни тайёр маҳсулотга айлантириш ҳисобига 50 минг еврога тенг даромад олади. Албатта, бизлар ҳам худди шундай йўл тутсак, иқтисодиётимиздаги натижалар тубдан фарқ қиладиган бўлади, давлат бюджетининг ҳам, ишчи-ҳодимларнинг ҳам даромадларида катта ўзгаришлар юз бериши аниқ. Бунинг учун инсоннинг эҳтиёжлари фақат тўйиб нон ейишдан иборат эмаслигини, бу борада яна ҳам улугвор мезонлар борлигини вазирлардан бошлаб жамиятимизнинг барча аъзолари тушуниши керак.

Самарадорлиги шубҳа остида бўлган катта ва кичик инвестицион лойиҳалар кам эмас ва улар қаторини тўқимачилик тармоғи ҳисобига кенгайтириш мумкин. 2016 йилнинг декабрь ойида бу соҳани ривожлантиришга қаратилган давлатимиз раҳбарининг фармони қабул қилинган эди. Уни қабул қилишдан асл мақсад пахта толасидан тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспортга йўналтириш эди. Аслида икки йил муайян натижаларга эришиш учун етарли муддат, лекин нима учун ўзгариш сезиларли даражада бўлмапти? Бу ишларда маркетингдан фойдаланиш умуман ёддан чиқарилганидан далолат берадиган мисол келтирмоқчиман.

Янги йилдан олдин ижтимоий тармоқларда Қўшма Штатлардан келган савдо кампаниясининг раҳбари Уэбе-

ча дунёнинг энг илгор мамлакатларидан бири. Мексика билан чегарадош, Бразилия ҳам унча узоқ эмас. Шуларни инобатга олсак, қайси хаёлпараст бундай таклифни жиддий қабул қилиши мумкин? Ахир бундан кўра, Европа бозорларига кириб бориш анча осонроқ иш эмасми? Аслида текстиль соҳасида яхши натижаларга эришмаётганимизнинг асосий сабаби бошқа нарсада — экспортнинг кўпайиши учун рақобатбардошликни белгилайдиган

Мамлакатимиз ЯИМни кўшимча яна бир фоизга кўпайтирмоқчи бўлсак, солиштирма нархларда бу 2,2 миллиард долларни ташкил этади.

тадбирларда тизимли ёндашувнинг йўқлигида.

Ип-йигирув фабрикаларининг катта қисми 15-20 йил олдин ишга туширилган, улардаги асбоб-ускуналар маънан ва жисмонан эскирган. Тадбиркорлар шунақа корхоналарни тиклашга киришганига бир йил ўтмасдан, уларга етказиб бериладиган 1 килограмм пахта толасининг нархи 1,5 доллардан 2 долларгача кўтарилди, янги йилдан бошлаб эса уларга нисбатан кўшимча тарзда ер ва мулк солиғи жорий этилмоқда.

Хўш, бундай шароитларда текстиль корхоналарининг рақобатбардошлиги қайси томонга қараб ўзгаради? Ваҳоланки, айнан шу соҳа мамлакатимиз меҳнат бозорига вужудга келган кескинликни бартараф этишга хизмат қи-

тор тикувчилик цехлари тўлақонли ишламай турган бир пайтда янгиликларни очиб учун кредитлар ажратиш амалиёти ҳар қадамга учрайди.

Микродорй кўрсаткичларнинг орқасидан қувиш натижасида минглаб корхоналар бир-бирининг фаолиятини тақорлайди, фойда олиш даражаси пасайиб, ички инвестицион имкониятлар чекланади, тайёр маҳсулот захиралари ортиб бораверади. Афсус-

ки, Ўзбекистон корхоналаридаги тайёр маҳсулот захиралари, уларнинг таъсирида вужудга келадиган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисида анча йиллардан бери маълумот берилмайди. Йиллар давомида ўзгаришларсиз қоғоздан қоғозга кўчириладиган ҳужжатларнинг ичига кириб кетган, вақт-вақти билан кабинетлардан чиқиб, корхоналардаги аҳолини ўрганиш кераклигини унутган вазирликлар ходимларида таҳлилий ёндашув фикри қаердан вужудга келиши мумкин? Хонада ўтириб, қоғозлардаги рақамларни ҳисоб-китоб қилиш бошқа, жойларга чиқиб, корхоналар фаолиятини ўрганиш бошқа.

Алоҳида шахсларга тикувчилик машиналари сотиб олишга кредит бериб, янги иш ўрни яратдик, дейиш, фикримча, бандликни бартараф этишга қаратилган вақтинчалик тадбир. Лекин бу борада самарали йўл ҳам борку ахир. Фарғона водийсида юқори натижаларга эришиб ишлаётган енгил sanoat корхоналари жуда кўп. Агар уларнинг филиаллари бошқа шаҳар ва туманларда ташкил этилса, натижалар умуман бошқача тус олиши мумкин.

Агар ушбу йўналишдаги чоратадбирлар яқна тадбиркорлик асосида эмас, балки асосан очiq турдаги акционерлик жамиятлари шаклида амалга оширилса, корхоналар фаолияти, бир томондан, аҳолининг назорати остида бўлади ва иккинчи томондан, маҳсулотни (эгаллик ҳуқуқи таъсирида) ички бозорда сотиш енгиллашади. Шу билан бирга, валюта сисбатининг либераллашуви ва янги солиқ Концепциясининг жорий этилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига салбий таъсир кўрсати-

ши мумкин. Мисол учун, ён атрофимиздаги айрим давлатларда ҚҚСнинг ставкаси 12 фоизни ташкил этади ва бу ерда ишлаб чиқариладиган юқори сифатли маҳсулотлар, айниқса, тикувчилик маҳсулотлари шунинг ҳисобига арзонроқ.

Демак, кўшни мамлакатлардан халқ истеъмоли товарларининг кириб келиши ва бу маҳаллий маҳсулотларни сотишга салбий таъсир кўрсатишига тайёр бўлишимиз керак. Қолаверса, жалб қилинган кредит фойзалари, ер ва мулк солиқлари тўлови кутиб ўтирмаслиги ҳам аниқ. Бу мисоллардан иқтисодий фаолиятда иқтисодий таҳлил ва маркетинг фани нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин.

Аслини олганда, иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан мақсад — бу ўсиш суръатлари бўйича бошқа мамлакатлар билан мусобақа уюштириш эмас, балки мамлакат аҳолисининг доимий ўсиб борувчи эҳтиёжларини имкон қадар юқори даражада қондиришидир. Ташқи савдонинг амалга оширишдан ҳам мақсад шу, яъни рақобатбардошлик хусусиятига эга бўлган маҳсулотларни экспорт қилиб, унинг фойдаси ҳисобига мамлакатда етиштирилиши ноқулай бўлган, ишлаб чиқариши қimmatга тушадиган маҳсулотларни импорт қилишидир.

Бир нарсага эътибор қаратайлик. Узоқ йиллар давомида ва кучли рақобат таъсирида жаҳон бозори муайян трансмилий компаниялар томонидан тақсимланиб олинган ва унга кўшимча маҳсулот билан кириш — ўта мураккаб масала. Мураккаб, аммо иложи бор масала. Буни Бангладешнинг текстиль маҳсулотлари, Вьетнамнинг қаҳва, Ҳиндистоннинг ИКТнинг дастурлаш таъминоти билан халқаро бозорларга кириб бориши мисолида кўриш мумкин.

Яна ҳам юқори ўсиш суръатларига эришиш учун корхоналарнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари тўлалигича қондирилиши керак. Бунинг учун олий ва ўрта махсус таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган қабул жараёни корхоналар буюртмаларига асосланиши керак. Шундай йўл тутсак ва фақат илмий асосланган маркетинг тадқиқотларига таяниб ишласак, халқаро бозорларни эгаллашимиз мумкин.

Ташқи савдо ҳам, инвестицион фаолият ҳам чуқур ҳисоб-китобларга асосланиб амалга оширилса, натижалар умуман бошқача бўлиши мумкин. Валюта сисбатининг либераллашуви ташқи савдо айланмасининг салбий натижалар билан яқунланишига сабаб бўлаётгандай туюлмоқда. Аслида сабаб статистик фаолият янги шароитларга мос тарзда амалга оширилмаслигида, деб ҳисоблайман. Ўтган йилларда нималарни ва қайси микродорларда экспорт қилган бўлсак, худди ўша даражада экспорт қилганимиз, sanoat корхоналари бир маромада ўз фаолиятини давом эттирмоқда, маҳаллий товарларни сиқиб чиқариб савдо пештахталарини хоридан келтирадиган товарлар босиб кетгани ҳам йўқ. Фақат давлатимиз томонидан инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган қарорларга асосан машина ва асбоб-ускуналар хариди кўпайди, холос. Уларнинг тўлов манбаи бўлиб асосан тўғридан-тўғри жалб этилаётган чет эл инвестициялари ва кредитлари хизмат қилмоқда.

Яна бир масалага эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. Янги солиқ концепцияси доирасида кичик sanoat корхоналарининг катта қисми умум-белгиланган солиқ тўлаш тизимига ўтиши уларнинг йириклашишига, иқтисосининг ўзгаришига, нарх-навоининг кескин ўзгариши ва рақобат курашининг кучайишига олиб келиши мумкин. Бу жараёнлар билан боғлиқ бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида маркетинг фани муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун вазирликлар, ҳўжалик уюшмалари ва маҳаллий ҳукумат органлари масалада марказлари тузиб, уларнинг таркибига олий ўқув юртларининг маркетинг-олимларини жалб этиб жараёни бошқариш киришсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш жоизки, инвестицион ва ташқи савдо фаолиятлари чуқур таҳлил, аниқ ҳисоб-китоблар ва маркетинг фанига таяниб амалга оширилса, уларнинг самарадорлиги, мамлакатимизда амалга оширилаётган тўл иқтисодий ислохотларнинг натижадорлиги яна ҳам юқори даражага кўтарилиши мумкин.

Илҳом ВАФОВ,
иқтисодчи.

Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ёнида жойлашган «Жангоҳ» спорт мажмуасида «Ўзбек давлат цирки» томонидан хайрия томошалари ташкил этилди.

Хайрия цирк томошалари

Томошабинлар билан лиқ тўла «Жангоҳ» спорт мажмуасида янграётган мусика садолари киши руҳига байрам кайфиятини бахш этади. Саҳна ўртасида ўз санъатини намойиш этаётган кўзбойлогич, масҳарабоз ҳамда акробатларнинг ҳар бир чиқоши оқишлар билан кутиб олинади. Жажжи болакайларнинг нигоҳларида хайрат, завқ-шавақ акс этади. Қийқирик, олқишлар тинмайди. Мана, саҳнага чамбаракка кўндирилган каптарлари билан Альфира Хўжаева чиқиб келади. Каптарлар унинг атрофида чарх уради, айлиниб келиб, яна чамбаракка кўнади...

— Пойтахтимиздаги Саховат уйдан келдик. — дейди Мирдавлат Мирзаев. — Барака топишсин, биз каби 20 нафар ёши улуг инсонларни автобусда олиб келишди, иззат-ҳурматимизни жойига қўйишди. Артистларнинг ранг-баранг чиқишларини кўриб, дам олдик.


— «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси томонидан Ўзбекистон мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида жон фидо қилган жангчиларнинг оила аъзолари,



уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда уларнинг фарзандлари, Афғон урушида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари, «Ногирон футболчилар жамияти» аъзолари, Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила-лар фарзандлари, имконияти чекланган болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия цирк томошалари намойиш этилмоқда, — дейди цирк артисти Қамариддин Мостов. — Муассасамиз томонидан турли вилоятларда мунтазам равишда хайрия тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Яқинда Жиззах вилоятининг Пхтакор туманида цирк томошалари кўрсатдик. Энди Сирдарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига хизмат сафари билан боришни режалаштираёلمиз. Ҳар бир борган жойимизда бизни жуда яхши кутиб олишди, концерт намойишларида зал ҳаммиша гавжум бўлади. Бундан хурсандмиз.

— Цирк санъатига эътибор, қизиқиш кучайиб борапти, — дейди қизиқчи Ольга Холмақазарова. — Яқинда «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси раҳбарияти ва Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши ўртасида имзоланган меморандум ҳам буни тасдиқлайди. Ҳужжатда цирк санъати соҳасида ишлаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг турли танловларда иштирокини таъминлаш назарда тутилган. Бугун ўтказилаётган хайрия акциясига ўхшаш турли кўнгилочар тадбирларда цирк ва миллий халқ томошалари дастурлари ҳамда кўрғазмали чиқишлар тарғиб этилади. Бу эса миллий цирк санъатининг ривожланиши ҳамда ёшларда ушбу санъатга қизиқиш уйғотишда муҳим аҳамият касб этади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Кексалар «Илоҳим, баҳор юртимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик, тўкинлик олиб келсин», деб дуо қилишади.

УЛУҒЛАРИМИЗ
ЎГИТЛАРИ



ФИКР
ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, гайратлик бўлишига сабаб бўладур. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даража муҳтождурки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлидур. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан оийлмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан қабиदур.

Масалан: жой солинмаган яхши бир унинг ичида ўтирмак мумкин ўлмадики каби, ичига ҳар хил янги ашёлар тўлдуриб зийнатланган эски иморат ҳам ўлтурушга ярамайду. Башарти ўлтурса, инсонлар: «Эски уйга янги золдвор», «кир кўйлакка жун жияк», «мис қозонга лой туюк» деб ҳажв, қулги қилурлар.

Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикрнинг ойинаси олурса занг,
Руҳи равшан замир ўлур бенур.

Абдулла АВЛОНЙ

Бойсунда яна
баҳор

Бойсунликлар баҳорни биринчилардан бўлиб кутиб олади. Ҳар йили шундай бўлади. Бугун Бойсунга келсангиз, кўрасиз, она юртимизнинг қай бир ҳудудида ҳали қиш изғирини кетмаган, қаерлардадир ёмғир ёки қор ёғаётган бўлади. Бу пайтда Сурхон воҳасида ҳақиқий баҳор бошланади. Қушлар кўйлайди, дарактлар куртак ёзиб, гуллай бошлайди. Уларнинг муаттар атри оламга таралади. Уйғонган ҳаётнинг нафис жилваси намоён бўлади.

Деҳқон қиш бўйи қор остида ётиб етилган ерни шудгорлаб, эгатлар олиб, дастлабки уругни — ризқ уругини қадайд. Қишлоқларда Наврўз сайлари бошланади. Бугун Бойсуннинг ям-яшил қирларида сайллар бошланиб, куй-қўшиқлар, болакайлари шўх-шодон қулгулари янграмоқда.

Қадим дошқозонларда сумалак тайёрланмоқда. Хотин-қизлар, болалар йигилиб уйин-қулги қилишади. Соилардан думалоқ тошлар териб келиниб, тилақлар айтиб қозонга ташланади. Ҳар бир киши эзгу ниятлар билан қозон қовлайди. Сайилда қатнаша олмаган беморлар, ногиронлар уйларига сумалак олиб борилади.

Наврўз эзгу умидлар, эртанги ёруғ кунлар хабарини берадиган байрам, кун билан туннинг тенг келган маҳали, янги йил ва баҳорнинг бошланишини нишонлаш демакдир. Хув ана, Бойсунда бодом гуллади. Боботонинг қорлари эрий бошлайди. Қирларда ёшларнинг қувнок овози янграйди. Кексалар «Илоҳим,

баҳор юртимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик, тўкинлик олиб келсин», деб дуо қилишади.

Тўкинлик ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўзни ҳамма интиқлик билан кутаёпти. Наврўз яқин, Янги йил яқин. Табиат уйғонмоқда, дилимизда янги орзулар уйғонмоқда.

Дурдона АБДУРАУПОВА




РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



«QQB-mobile» иловаси билан барча тўловлар осон!

(+99878) 150-93-39



www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2019 йил 7 ва 21 февраль кунлари ўтказилган очик аукцион савдолари натижасига кўра, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидаги, Паркент ТК боғламасига бириктирилган д/р 10/132МАА бўлган «ГА3-5312» — 6 500 000 сўмга; «MODDIY-TEKNIK TA'MINOT BOSHQARMASI» ДК балансидаги д/р 01/943UDA бўлган «КО-БАЛЬТ» — 68 300 000 сўмга; «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «УЗМОБАЙЛ» филиали балансидаги д/р 01/893DCA бўлган «МАТИЗ» — 23 500 000 сўмга сотилганлиги мълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги «Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4042-сонли қарорига кўра, 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб мажбурий тартибда маркировкаланадиган товарлар гуруҳи тасдиқланган. Жумладан, алкоғолсиз ва алкоғолли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, бензин, дизель ёқилгиси ва бошқа турдаги импорт қилинадиган ва республикада ишлаб чиқариладиган товарларни ҳимояланган белги ва (ёки) нано-молекуляр технологиядан фойдаланган ҳолда мажбурий маркировкалашни босқичма-босқич жорий этиш белгиланган.

Мажбурий маркировкалаш жорий этилган санадан бошлаб, мазкур қарорда кўрсатилган товарларни маркировкасиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш тақиқланади.

«Ўшаробсаноат» АЖ

Каракалпакский филиал ООО

«Агросаноат мулк маркази» соошбаёт

20 марта 2019 года в 15.00 в городе Нукусе проводится открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

Автотранспортное средство принадлежащая АО «Страховая компания Кафолат»:

- автомашини марки «Нексия», 2004 года выпуска, гос номер 95/727CAA. Начальная цена 31 032 700 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 19 марта 2019 года в 18.00. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №2020800204970498001, ИФО 00585, ИЧН 207145085 Каракалпакского филиала ООО«Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г. Нукус, ул. Амир Темура, дом №122а. Телефон для справок: (61) 222-55-84.

Услуги лицензированы.

EMMM

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AҲOLISI VA MEХMONLARI DIҚҚATIGA!

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINING AMALDAGI ҚONUNCHILIGIGA MUVOFIҚ, ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ VA KOMМУНИКАЦИЯЛАРИНИ RИВОЖЛАНТИРИШ VAZIRЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР ҚОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиригичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаптич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлиналарига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.	Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.	Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.	Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.	Гулистон шаҳри, Мустиқлик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Нукус шаҳри, Ерناзар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.	Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Қарши шаҳри, Мустиқлик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.	Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.	

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

OZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Saidkamol XODJAYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Mahmud TOIR	Shuhrat JALILOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 351. 5426 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:30.
Topshirilgan vaqti — 01:50.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo DOSTON
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

ГАЗЕТАНИНГ ЭЛЕКТРОН САҲИФАСИГА УТИШ УЧУН QR-КОДИН ТЕЛЕФОННИНГИЗ ОРҚАЛИ СКАНЕР КИЛИНГ.

1 2 3 4 5